

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ  
СОҲИБАЛАРИ

---

ГУЛЖАМОЛ АСҚАРОВА

# УЙФОТУВЧИ АЛЛА

*(Шеърлар)*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2007

Ушбу китоб муаллифнинг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Хур ўлка қизлари» танловида биринчи ўринни қўлга киритгани муносабати билан нашр этилмоқда.

Муаллиф Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

### **Асқарова, Гулжамол**

Уйғотувчи алла: Шеърлар. — Т.: «Шарк», 2007. — 112 б.

«Волийи келиндек нозланган юрт бу», «Воҳаси куёвдек отланган юрт бу», «Манглайига зардан зарҳаллар солиб», «Ўзбекка Худодан хатланган юрт бу» сингари мисраларда она днёр васфини куйлаган Гулжамол Асқарова ўзбек шеърятига ўзига хос назмий услуби билан кириб келаётган шоира қизларимиздан. Ушбу тўпلامга шоиранинг севги-мухаббат, она-Ватан, беғубор болалик, кадрдон кишлоқ манзаралари куйланган энг сара шеърлари киритилган. Назм ихлосмандлари Гулжамол ашъорларидан ўзлари учун зарур рухий озик олишларига ишончимиз комил.

«Уйғотувчи алла» кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ББК.84(5Ў)**

**ISBN 978-9943-00-098-8**

Бугун мен, шеърларимни коралаб кўяман.  
Эрта улар мени кўяди оқлаб...

## ШЕЪР ҚУВОНЧИ

Шоира қизим, Гулжамол!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Ибодат» туркумидаги тўртликларингизни ўқидим. Мени жуда ҳам қувонтирди. Нечун? Ҳақиқий шеър кишини хайратлантиради! Ўйлатади! Қалбни тўлқинлатиб, завқлантиради.

Даставвал, шеърларингизга Алишер Навоийдан: «Бу ишк даштидур, саргузашти жон офатларидандир», деб эпиграф олганингиз, шоира бир оз катта кетибди-ку, дегандек ўйлантириб қўйган эди. Аммо сўнг бу эпиграф тасодифий эмаслигига қаноат ҳосил қилдим.

Кейинги йилларда айрим Ғарб шоирларининг таъсиридами ёки ўзларича янгилик яратмоқ бўлибми, кишини ўйлантирадиган, хайратга соладиган эмас, ҳайрон қолдирадиган, бироқ қалбни тўлқинлантирмайдиган, завқлантирмайдиган шеърлар ёш шоирлар ижодида кўп учрайдиган бўлиб қолди. Бундай шеърларнинг хайрон қолдирадиган жихати шундаки, буларда шеъринг қондасига жавоб берадиган на маълум вазн, на қофия ва на аниқ маънони аңлатадиган ифода бор. Энди, ўйлантириб қўядиган томонига келсак, бу шеърлар нима мақсадда ёзилган, шоир китобхонга нима демоқчи эканини ўйлаб-ўйлаб бир хулосага келолмайсан. Бундай шеърларнинг муаллифлари, бирор хулоса чиқаролмасанг, бирор аниқ маъно тополмасанг, ўқимай қўяқол, улар эгасига, ўзимизга тан, дейишлари ҳам мумкин. Аммо ачинарлиси шундаки, аниқ айтилмаган фикр ўқувчисини завқлантириш, қувонтириш ўрнига кишининг ғашини келтиради, холос! Бу — бизнинг бундай топишмоқларга ўрганмаганлигимиздандир. Сизнинг шеърларингизда ўйлаб-ўйлаб тагига етиб бўлмайдиган топишмоқлар эмас, аниқ маънони билдирадиган теран фикрлар борлиги мени қувонтирди. Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим» ғазалидаги:

*Таковаринга багир қонидан хино боғла,*

*Итингга гамзада жон риштасин расан қилгил, —*

байтини ўқиганингда узок ўйланасан, сукутга чўмасан. Нихоят, мухаббатга бўлган бунчалик фидойилик, жон-басталикдан хайратга тушасан. Завқингни қалбингга сиғдиролмай, шоир маҳоратига таҳсин ўқийсан. Чунки бу сенга ибрат бўлади. Сенинг ҳам шундай бўлгинг келади.

Қизим Гулжамол! Ҳазрат Навоийдан келтирган юқоридаги мисолимнинг боиси шуки, мен шеърларингиздан Навоийни ўқиб уққанлигингиз, мумтоз адабиётга бўлган ихлосингизни сездим. Шеъриятимизда неки муваффакият бўлса, мумтоз адабиётимиздан баҳраманд бўлишликнинг шарофатидандир, деб биламан.

Шеърларингизнинг менга маъқул бўлганлигига айрим мисоллар келтирмоқчи бўлдим-у, аммо газетада берилган расмингизга қараб бир оз ўйга толдим. Мени ўйлатган нарса шуки, ёшларга хаддан ташқари ихлос кўйиш, баъзан марҳамат эмас, жабр бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин Сизнинг ижодингиз хақида ижобий фикрлар айтиш учун алоҳида сабаблар ҳам мавжуд. Бу сизнинг шоир эмас, шоиралигингиз. Албатта, шоирлар билан шоираларнинг феъл-авторида озми-кўпми фарқ бор. Очироқ айтсам, афзаллик бор. Бу шундаки, шоирлар шоираларга нисбатан мактовга тезроқ берилиши мумкин. Лекин:

*На осийман, итоатдан адашдим ман.*

*На гумроҳман, бор тоатдан адашдим ман.*

*Нега кўрдим, нега кирдинг юрагимга,*

*Сани кўриб...ибодатдин адашдим ман, —*

дея олган камтарона шоира, имоним комилки, манманликка берилмагай. Кишилар қалбига ором берадиган, рухий озик бағишлайдиган шеърлар ёзишдан адашмагай. Илоҳи омин!

Қизим Гулжамол! Тўртликларингиз шеъриятга булган ташналигимни кондирган оби замзамдай бўлди.

**Шукрулло**

*Ўзбекистон халқ шоири*



**ФАҚАТ**

**СЕВГИ**

**ҲАҚИДА**



## **Азиз хитобхон!**

Сиз кимнидир жуда қаттиқ яхши кўргангиз ҳақидаги китоб бу. Арзимаган бир одамни, бебаҳо туйғулар билан севгангиз ва яна гурурингизни унинг пойларидан кўтариб олсангиз да, кўнглингизни ундан узол маганингиз ҳақидаги китоб бу.

«Эй Худо, уни бир марта курсам бўлди» деган ўтинчларнинг бир мисқоли, юрагингизда ёниб ётган оловнинг бир учқуни жамланган китоб бу.

Ўзингизнинг у билан ҳеч қачон бу дунёда бирга бўлолмаслигингизни билиб, мумтоз муҳаббатлар тарихидан дардингизга даволар излаб юргангиз хусусидаги китоб бу.

Тонгда кўзларингизни очиб, қаерга қараманг унинг сиймосини кўришингиз, кўзларингизни юмиб, уни ўйлаб, кўзларингизни очингиз келмаслиги, бу дунёнинг ҳисларингизни масхаралайдиган, туйғуларингизни топтайдиган кундалик ташвишларига ўралашмасдан фақат У ҳақида ўйлагингиз келаётгани ҳақидаги китоб бу.

Ишга борасиз, ишдан қайтасиз, кейин қаерга боришингизни билмайсиз ва ўша ишдаги расмиятчиликлардан руҳингизни озод қилиб У ҳақида ўйлайсиз. У Сизни Худога олиб борар сарбонингиз, У сизни Худога севдирувчингиз. Сизни севмас севдирувчингиз ҳақидаги китоб бу...

Баъзида унинг қўнғироқларини кутасиз. У кўнглининг кўчасига келганда бир қўнғироқ қиладиган, сизни меҳридан умидвор қилиб кейин ёдига ҳам олмайдиган замонангизнинг энг замонавий айёр одамларидан бири. Тавба, кимлигини билиб ҳам бунча уни севасиз. Ўзингиз ҳам билмайсиз. Билмаслигингиз ҳақидаги китоб бу...

Қани эди унинг телефонлари бўлмаса эди, қани унинг яшайдиган манзилини ҳам билмасангиз эди. У маконсиз бўлганда эди. Ёнига бориб қўйиш азобидан оёқларин

гиз, кўнгироқ қилиб қўйиш ранжидан қўлларингиз қутулар эди. Ўзингизни ўзингизга танитгани, ўзингизни ўзингиздан айиргани, йўлларингиздан адаштиргани, йўлларингизни топиб бергани учун унга раҳмат ва ташаккур! Изҳорларингизни етқизувчи китоб бу...

Исмими эшитганингиз заҳоти томирларингизда кезаётган титроқ, овозини эшитганингиз они юрагингизда уйғонаётган азоб тарихидан сўйлагувчи китоб бу.

Узоқдан бўлса ҳам бир кўрсам... Шу илинж учун дунёга келганмидингиз?.. Усиз сизга бахт қайда, Усиз сизга шодлик қайда? Ичингизда жим турган фарёдларингиз ҳақидаги китоб бу...

Кўчада беҳол, бемажол кетиб бораётганингизда руҳингизга мадорлар бағишлаб У чиқса, кузги хазонларга тўлган йўлакчада кетаётганингизда У ўтиб қолса ўша йўлакчадан... Сиз ўша йўлакчада умрбод турмасмидингиз? Сиз унга ёлворасиз, ундан эса садо йўқ. Унинг оёқлари қаерга босилган бўлса, Сизнинг бошингиз ўша жойда. Лекин бу қадар фидойиликни У қаердан тушунсин, қаердан билсин? Ахир У фақат севилиш учун яратилган-ку. Севилавериб севгига тўлиб кетган, аммо севишни билмайдиган одам ҳақидаги китоб бу...

Яшашингизга халал бераётган ақлингиз, кўнглингиз истакларини бир зумда йўққа айлантираётган ҳукмларингиз бор. Рисоладагидек яшашингиз лозим бўлган, бироқ туйғулар тугёнга келиб, жуниунингиз бошингизга чиқадиган оғларда ўзингиздан ва ўз ақлингиздан безор бўладиган лаҳзаларингиз хусусидаги китоб бу.

Токи юрагингиз уриб турар экан, бу азоб юрагингизда қондек кезаверади, қачондир юрагингиз уришдан тўхтар экан, суюкларингизни қақшатиб кезаверади бу азоб. Бу — ишқ азоби, бу — жавобсиз севги изтироби, бу — чинг йўлларки ошиқларнинг кўзиде қотиб қолган кўз ёшларнинг сўздаги аксидир. Баъзида ҳеч бир сабабларсиз кўзингизга шилтиллаб ёш келаверади, кўзингиз ойнасида жовдираётган ёш, кўзингизни юмсангиз тўкилиб кетади. Сиз кўзингизни кимгайсиз, чунки шу томчида Унинг акси бор. Сиз тўккан ва тўка олмаган кўз ёшлар хусусидаги китоб бу...

*Минг йилдан буён занжирларидан эрк кутаётган қулдек унга булган севгингиздан тухфа кутасиз, бахт кутасиз. Бекор илинжлар, бефойда умидлар ҳақидаги китоб бу...*

*Майли-да, нима бўлса ҳам қалбингизда бир хазина бор-ку. Уша хазина ҳақидаги китоб бу...*

*Азизим, шу китобни ўқинг дардлашайлик, юракларимиз бир-бирларини топсинлар.*

**Гулжамолинигиз. 2006 йил**



## Муҳаббатнинг шарти

Гоҳида қизларнинг кўз ёши бекор,  
Йигит севгисидан тонган дунёда.  
Булбул ҳам чаманни ташлаб кетармиш,  
Барглари сарғайган гулни кўрганда.

Нада бу севгидан аразим бордир,  
Нада ташлаб кетган ўша йигитдан.  
Дунё ўзи шундок, қуриган гулни,  
Барибир қайгадир ташлаб кетишган.

Эскирган туйғунинг қисмати ҳам шу.  
Шарт эмас бу холга ёқа йиртмоқлик.  
Муҳаббатнинг шарти —

жим термилмоқдир.

Муҳаббатнинг шарти эмас етмоқлик.

*2006 йил*

## Эртак

Энди кўришмаймиз ҳеч қачон,  
Бизни учраштирмайди йўллар.  
Сени менга тухфа этганди,  
Кўзларингда очилган гуллар.

Сочларинг ҳам қаро эмасди,  
Мен улардан муҳаббат кутдим.  
Ўша рангсиз сочларинг ҳаққи,  
Мен дунёнинг рангин унутдим.

Унутдим, сўнг узок кездим.  
Билдим ишқда қисматим қаро.  
Мен умримни йўқотиб қўйдим,  
Ўша рангсиз сочларинг аро.



Юрагингни йўлакларини,  
Кезиб чиқдим қадам-бақадам.  
Юрагингда олиб кол мени,  
Эй умримга сигмаган одам.

Сарик эди сенинг сочларинг...  
Хазонлардек сарик эди у.  
Бахорларда тонгандим сени,  
Менга кузлар олиб келдинг-ку.

Мен шу рангга ошиқман азал,  
Дерлар: Сарик видонинг рамзи.  
Олтин сочли шахзодам айтгил,  
Энди хечам учрашмаймизми?

Майли, майли учрашмасак ҳам,  
Эшит дилнинг жим ноласини.  
Қолдириб кет сен менга фақат,  
Сочларингнинг бир толасини.

2006 йил

### **Рашк касали**

Кўнғироклар қилмай қўйдим,  
Менсизликка ўрган дедим.  
Ахир кунлар ботиши бор,  
Кунсизликка ўрган дедим.

Ўз рашкимдан ўзим тўйдим,  
Хар не кўрсам сенга йўйдим,  
Кўзларимни силаб қўйдим,  
Кўзларингни кўрган дедим.

Нима килай, ёниб турсам,  
Рашк касалман, энди билсам,  
Ёнингда бир қизни кўрсам,  
Шу қиз билан юрган дедим.

Ғийбатчилар гап қилдилар,  
Пок номимни чап қилдилар,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4678> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4678> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4678>